

## Аввод Маҳмуд Аввод



11:12 / 13 октябрь 286

Доктор Аввод Маҳмуд Аввод Солим 1977 йилда Мисрнинг Қалюбийя муҳофазасида туғилган.

2000 йилда Мисрдаги «**Ал-Азҳар**» дорулфунуни «**Дин асослари**» факультетининг «**Ақида ва фалсафа**» кафедрасини тамомлаган.

2010 йилда «**Ал-Азҳар**» университетиди докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йилдан «**Дин асослари**» факультети декани этиб тайинланган ва мазкур бўлимда устозлик қилиб, талабаларга дарс бериб келади. Ҳозирда ушбу факультетнинг «**Ақида ва фалсафа**» кафедраси мудир лавозимида фаолият юритмоқда.

Доктор Аввод Маҳмуд Аввод кўплаб асар ва тадқиқотлар муаллифи саналади. Унинг «Мотуридийлик калом мактаби» асарига соҳа мутахассислари томонидан катта қизиқиш билдирилган.

Маълумот ўрнида: 2023 йил доктор Аввод Маҳмуд Солим Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Абу Бакр Қаффоли Шоший ва Бароқхон мадрасаларига ташриф буюриб, Мусҳафи Усмонни зиёрат қилганди, Ўзбекистондаги Ислон цивилизация маркази қурилиши ва ундаги барпо қилинадиган бўлимлар билан танишганди.